

**ҲАЙВОН ВА ПАРРАНДАЛАРНИНГ ЎТА  
ХАВФЛИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ТАРҚАЛИШИ ВА  
ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ МОНИТОРИНГИ**



*Конференция маърузалари матнининг тўплами  
Самарқанд 2006 й.*

**МОНИТОРИНГ РАСПРОСТРАНЕНИЯ И  
ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ ОСОБО ОПАСНЫХ  
БОЛЕЗНЕЙ ЖИВОТНЫХ И ПТИЦ**

*Сборник материалов конференции  
Самарканд 2006 г.*

**MONITORING OF SPREAD AND PREVENTION  
OF ESPECIALLY DANGEROUS DISEASES OF  
ANIMALS AND BIRDS**

*Collection of papers of conference  
Samarkand 2006*



Маткаримов Б.Д., Ахмедова М.Д., Бобохожаев С.Н., Ходжаев Н.И. <i>Қорин тифи касаллиги ва унга қарши чора-тадбирларни такомиллаштириш</i> .....	197
Махкамов М.А., Балужева В.В., Мусаев У.Н. <i>Взаимодействие Азидина и Примахина с поли (мет)-акрилоилгликолевой кислотой</i> .....	201
Морес К.Н., Кадыров А.М., Шермухамедова Д.А., Брянцева Е.В., Комилов Н.О. <i>Природные очаги трансмиссивных вирусных инфекций в Ферганском вилояте</i> .....	203
Менглиев Г.А., Салимов Х.С., Сайиткулов Б.С. <i>Об очагах сибирской язвы</i> .....	205
Мирзаев Б.Ш. <i>Протективная активность ассоциированной радиовакцины против колибактериоза и сальмонеллёза телят</i> .....	207
Муртазин Б.Ф., Кулдашев О.У., Салохиддинова Х.С. <i>Экологические проблемы симптоматического бесплодия крупного рогатого скота в Узбекистане</i> .....	209
Мусаев У.Н., Махкамов М.А., Мухамедиев М.Г. <i>Получение полимерных комплексов противотуберкулезного препарата Тубазида с гидрофильными и водонабухающими полимерами гликолевой кислоты</i> .....	211
Муслинов Я.Х., Чалабаев А.Ж., Тугалов Б.А., Кулдашев О. Ў. <i>Корамоллар организмнинг мослашиш қобилиятини ўрганиш</i> .....	213
Мыминова Ҳ.С., Элмуродов Б.А. <i>Оққурай ўсимлигининг ўрдақлар организмга заҳарли таъсири</i> .....	215
Нарзиев Б.Д., Узокова Д.П., Бутаева И.М., Ибодуллаева <i>Актуальные проблемы специфической профилактики чумы плотоядных</i> .....	218
Насимов Ш.Н., Хаитов В.Р. <i>Исследование токсических свойств препарата</i> .....	219
Низаметдинов А.С. <i>К вопросу о сохранности молодняка кур в первую неделю жизни</i> .....	222
Низаметдинов С.А., Мирзаев М.Ш., Ситчихина С.В., Низаметдинов А.С. <i>Пищевые аттрактанты в зерновых приманках для грызунов</i> .....	223
Незаметдинова К.А., Ата-Курбанова М.Ш. <i>К методике приготовления питательных сред</i> .....	225
Ниязматов Б.И., Маткаримов Б.Д. <i>О мерах, проводимых по недопущению и распространению особо опасных для человека и животных инфекций в Республике Узбекистан</i> .....	226
Ниязов Ф.А., Исматова Р.А. <i>Грипп птиц – коварная болезнь</i> .....	229
Нораев Р.Х., Норов Ш.Х., Рахимов Ф.Ф. <i>Распространенность пироплазмидозов и анаплазмоза крупного рогатого скота в Гиссарской долине</i> .....	231
Нораев Р.Х., Розиков Ш.Ш. Ходжаев М. Дж. <i>К распространённости фасциолеза крупного рогатого скота в Гиссарской долине</i> .....	232
Норбоев Б.Н., Эшбыриев Б.М. <i>Эндемик остеодистрофиянинг гуруҳли профилактикаси</i> .....	233
Нурабаев С.Ш., Кошематов Ж.К., Мамадалиев С.М., Троицкий Е.Н., Матвеева В.М., Ажибаев А.Ж., Катубаева Б.С. <i>Мониторинг особо опасных вирусных болезней среди мелкого рогатого скота на территории Республик Казахстан и Таджикистан</i> .....	235
Нургазиев Р.З., Акматова Э.К. <i>Современная ситуация по бешенству в Кыргызской Республике</i> .....	239

ошиши билан биргаликда фагоцитар индекснинг  $3,1 \pm 0,27$  гача пасайганлик қолати аниқланди.

Ўтказилган тажрибалар натижасига кўра куйидаги хулосалар килинди:

1. Бўзоқлар ёшининг ошиб бориши билан табиий чидамлилиқ кобилятининг кўрсаткичлари тўғилган пайтига нисбатан ошиб боради.

2. Табиий чидамлилиқ кобилятининг ўзгаришига ташки омиллар таъсир кўрсатади.

#### Адабиётлар

1. "Естественная резистентность организма животных" Плященко С.И., Сидоров В.Т., Ленинград "Колос", 1979
2. "Микроклимат и продуктивность животных" Плященко С.И., Хохлова И.И., Ленинград "Колос", 1976
3. "Стресс факторы" Устинов Д.А., Москва, Россельхозиздат", 1976
4. "Организация зоогигиенических режимов и технологических премов содержания крупного рогатого скота на фермерских хозяйствах" Рузиев Ш.М. ва бошқалар. Самарканд, 2005
5. "Турли табиий таъсирлардан сунг буюқларни ўсиш ва ривожланиши" Избосаров У.К., Мусинов Я.Х., Самарканд, 1997

#### SUMMARY

#### THE STUDY OF THE ADAPTABILITY OF ORGANISMS OF CATTLE

Musinov Ya.H., Chalabayev A.J., Tugalov B.A., Kuldashev O.U.

Samarkand agricultural institute, Samarkand, Uzbekistan  
Uzbek Scientific Research Institut of Veterinary, Samarkand, Uzbekistan.

It is expounded the results of research natural adaptation of calves to circumstances of the hottest climate.


УДК 619.2.591.576.891.

#### ОҚҚУРАИ ЎСИМЛИГИНИНГ ЎРДАКЛАР ОРГАНИЗМИГА ЗАЩАРЛИ ТАЪСИРИ

Мўминова Ш.С., Элмуродов Б.А.

Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти,  
Самарқанд, Ўзбекистон

Республикаимиз табиатида шар хил зашарли ўсимликлар учрайди. Уларнинг кўпчилиги тоғларда, тоғ ён бағирларида, лалмикор ва сувли ерларда, донли ўсимликлар билан бирга ўсади. Баъзи бир зашарли ўсимликлар чорвачилиқни ва паррандачилиқни ривожлантиришга катта зарар келтирмоқда. Бу ўсимликлар Республикаимизнинг Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Навоий, Бухоро вилоятларида кўпроқ учрайди. Шулар жумласига кирадиган зашарли ўсимликлар триходесма – Кампирчопон, Гелиотроп – Туяқорин, Псораллея – Оққурай ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Зашарли ўсимликлардан энг кўп тарқалгани Псораллея – Оққурай щисобланади. Бу ўсимлик кўп йиллик ва зашарли ўсимликлар қаторига киради. Уларнинг бўйи 150-200 см бўлиб, уруғлари эса жуда яхши щидли, таъми жуда аччиқ бўлади



(Расм -№1).

Кўпгина адабиёт маълумотларига кўра оққурай қишлоқ хўжалик чайвонлари ва паррандалар организми учун заҳарли щисобланади (Бурза П.И., 1953, Ризаева Х.Ш. 1969, Шманов Д.Ш. 1970, ва бошқалар).

Шу сабабли оққурайнинг паррандалар, яъни ўрдаклар организмига таъсири ва клиник патологоанатомик ўзгаришларини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эга деб щисоблаймиз. Шуннинг учун, заҳарли ўсимликларнинг бир тури бўлган Оққурайнинг ўрдаклар организмига таъсири ва клиник патологоанатомик ўзгаришлари деган мавзуда илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

Оққурайнинг ўрдаклар организмига таъсири ва клиник патологоанатомик ўзгаришларини ўрганиш учун 20 бош ўрдак олиб 3 гуруцга ажратдик: 1 гуруцда 8-та ўрдак бўлиб, уларни тирик вазнига нисбатан омухта ем билан оққурайни уруғини майдалаб 3 гр миқдорда аралаштириб берилди ва уларни соя жойда, виварияда сақланди. Щар куни овқатдан олдин клиник белгилари кузатилиб борилди. 2 гуруцдаги 8 та ўрдакка оққурайнинг уруғини майдалаб 3 гр миқдорда тирик вазнига нисбатан комбикорма билан аралаштириб берилди ва уларни очик щавода, яъни куёш нури таъсирида сақланди ва щар куни овқатдан олдин клиник белгилари кузатилиб борилди. 3 гуруцдаги 4-та ўрдак назорат гуруци щисобланиб уларга оққурай уруғи аралашмаган тоза омухта ем берилди. Шундай қилиб тажриба ва назорат гуруцларидаги ўрдакларнинг клиник-патологоанатомик ўзгаришлари 4 ой давомида кузатиб ўрганилди. Барча ўрдакларнинг ички аъзоларини патологоанатомик ўзгаришларини ўрганиш мақсадида щар ойда щар гуруцдан 2 бошдан ўрдак мажбуран сўйиб текширилди.

Биринчи тажриба гуруц, соя жойда вивариянинг ичида сақланган ўрдакларни бошланғич клиник белгилари, кўз ва оғизлар шилиқ пардаси гиперимия щолатида бўлиб, нафас олишнинг тезлашиши, овқат щазм қилишнинг вақти-вақти билан камая бориши, тана щарорати 42 °С гача ошиши кузатилди. Клоака атрофии ифлосланган бўлиб, ахлатлари қон аралаш шилимшиқ модда билан қопланган, баъзи бир ўрдакларнинг оёқлари билан туролмай фалажланиши аниқланди.

Иккинчи тажриба гуруцидаги ўрдаклар қайсики очик щавода яъни куёш нурида сақланган ўрдаклар клиник белгилари, биринчи тажриба гуруцидаги ўрдакларга нисбатан бироз мураккаб бўлиб кўз, қанот, оёқлар атрофида, кафтида ва тумшуғида майда яра шаклида пуфакчалар пайдо бўлганлиги бу пуфакчаларнинг ичи оқ суюқ модда билан тўлган. Баъзи пуфакчалар ёрилиб яраларга айланган (Расм 2 ва 3). Расм 2. Оққурай ўсимлиги билан заҳарланган ўрдак бош қисмининг кўриниши. Бурун, кўз атрофида яра ва некротларнинг щосил бўлган.

Расм 3. Оққурай ўсимлиги билан



заҳарланган ўрдак оёқ панжаларида яра ва некротларнинг кўриниши щамда атрофияга учраган бармоқлар.

Ўрдаклар иштащасининг кундан кунга пасайиб бориши билан танаси ориқлаб борди. Уларнинг оғиз бўшлиғи шилиқ пардаси оқариб, нафас олиш секинлашиб щарорати кундан- кунга пасая борди.


Учинчи гуруц (назорат) ўрдакларда эса щеч қандай клиник белгилар кузатилмади.

Патологоанатомик ўзгаришларни кузатган вақтда яъни касалликнинг бошланғич даврида ўрдакларнинг ички аъзолари сероз ва шилиқ пардаларнинг қон томирлари қонга тўлганлиги ҳамда қанот пардаларида яралар пайдо бўлиши кузатилди. (Расм №4).

Жигар бироз катталашган, тўқ қизил рангда бўлиб, уларнинг юза қисмида майда некротик ўчоқлар ва майда нуқтасимон, баъзи бир жойларда доғли қон қуйилишлар кузатилди.

Расм.4. Оққурай билан заҳарланган ўрдак қанотларининг кўриниши, қанотларида некроз ва яраларнинг пайдо бўлиши.

Буйрак бироз катталашган, баъзи бир жойларида нуқтасимон қон қуйилишлар ва некротик ўчоқлар кузатилди. Юрак катталашган эпикард қаватида жуда кам майда нуқтасимон қон қуйилишлар кузатилди. Юракни кесиб кўрилганда эпикард ва эндокард қаватларининг бироз қалинлашганлиги аниқланди. Талоқнинг катталашганлиги, яллиғланганлиги, юза қисмида қон қуйилишлар мавжуд.



Безли ошқозоннинг сероз парда қон томирлари қонга тўлганлиги, шилиқ пардаси эса бироз қалинлашган, баъзи бир жойларида без фолликулалари катталашиб, яллиғланган, айрим жойларида эса без фолликулалари қон аралаш шилимшиқ модда билан қопланган, бу фолликулалар атрофида жуда кўп гиперимия ўчоқлари кўринади. Ўпка шишган, юза қисмида жуда кўп доғли қон қуйилишлар кузатилди, кесган вақтда ҳам паринхимаси яллиғланганлиги ва қонга тўлган. Мускулли ошқозон кесилган вақтда шилиқ пардаси яъни кутикуласи жуда қийинчилик билан ажралади. Ўн икки бармоқли ичак ва ингичка ичаклар сероз пардаларининг қон томирлари қонга тўлган, шилиқ пардаси катарал шолатида бўлиб, доғли қон қуйилишлар кузатилади.

Ингичка ичакнинг шилиқ пардасида нуқтасимон қон қуйилишлар ҳосил бўлган. Тухумдонларнинг шилиқ пардаси қалинлашган ва гиперимиялашган, шилимшиқ модда билан қопланган. Қуёшда сақланган ўрдакларнинг тухумдон шилиқ пардасида майда нуқтасимон қон қуйилишлар кузатилди.

Қуёш нурида сақланган ўрдаклар жигарининг юза қисмида майда пуфакчалар шаклида ўлган тўқималар ва шужайралар йиғиндиси ёки некротик ўчоқлар, доғли ва нуқтасимон қон қуйилишлар ҳамда буйрак атрофия шолатида бўлиб, ранги тўқ қизил баъзи бир жойлари сарғиш шолатида ва юза қисмида майда қон қуйилишлар кузатилди. Уни кесган вақтда паринхимасида жуда майда некротик ўчоқлар ҳам аниқланди.

Шундай қилиб, оққурай ўсимлигининг уруғи ва барглари қишлоқ хўжалик шайвонлари, барча турдаги уй шайвонлари ва паррандалар учун заҳарли бўлиб, қишлоқ хўжалигида жуда катта иқтисодий зарар келтиради. Имконият қадар мазкур ўсимликни йўқотиш ва паррандалар озқасига қўшмаслик чора-тадбирларини кўриш, уларни заҳарланишдан олди олиш имконини беради.

#### Адабиётлар:

1. Бурза И.П. Токсические действие псоралей на организм птиц. Журнал «Архив патология» № 8 стр.252.
2. Шиманов Г. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат биологических наук. 1962.
3. Ризаев Х.Ш. Влияние эстрогенов псоралей костанковой и сольдки голвой на спермато продукции. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат биологических наук. Львов 1969.